

Андижон вилояти «Андижон Дори-Дармон» акционерлик жамияти бошқарув раиси **А.Н.Ахмаджонов**, кейинчалик матнда «Таъминотчи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи бир томондан **АДТИ Ю.Отабеков** номли клиника бош шифокори доцент **Раҳмонов Б.Ж** кейинчалик матнда «Харидор» деб юритилади, иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. билан ҳаётий зарур дори-дармонлар, тиббий ашёёлар ва стерилланган дориларни 1-илова (спецификация) асосида товарлар ни сотади. Шартномага асосан олинadиган товарнинг номи, микдори, нархи ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган ушбу 1-иловада курсатилади. «Харидор» эса олган махсулотлари учун туловни «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг суммаси **1 287 351,20 (бир миллион икки юз саксон етти минг уч юз эллик бир сум 20 тийин)** белгиланди (суммага транспорт харажатлари кирмайди).

2. Махсулотнинг сифати

2.1. «Таъминотчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга руҳсат этилган сифат, маркировка, ўрамлар фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириши) баёнига эга бўлган дори-дармонлар ва тиббий махсулотларни сотади

3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Ҳисоб –китоб «Харидор»га томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик булимидан рўйхатдан утиб 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб берилadиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% (фоизи) олдиндан (аванс) тарикасида «Таъминотчи» нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

3.3. Қолган охириги 70% (фоизи) Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида маблаг 30 кунда утказиб беради.

3.4 «Харидор» томонидан 30 % (фоизи) олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг «Таъминотчи» иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

3.5. Махсулотларни етказиб бериш харажати «Таъминотчи» ҳисобидан қопланади.

4. Жўнатиш ва қабул қилиш шартлари

4.1. Сотиб олинган товарларни жўнатиш «Таъминотчи» томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси булиб, товарнинг «Таъминотчи» омиборидан юбориш санаси ҳисобланади, товарни қабул қилишда «Харидор» томонидан уни микдори, сифати ва рўйхати ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

4.2. Гиёҳванд, захарли ва психотроп дори-дармонларни «Харидор» томонидан тегишли ички ишлар идораларидан берилган махсус руҳсатномаларни тақдим қилиниб, сўнг «Таъминотчи» нинг омиборхонасидан олиб кетади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгарлик эмасдирлар.

5.2. «Таъминотчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (махсулот)ни қабул қилишда асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

-агар «Товар (махсулот)ни етказиб бериш жараёнида «Таъминотчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйган бўлса «Харидор»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдур .

5.3 «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

-камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар тугриланиш харажатларини қопланишини талаб қилишга:

--мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Таъминотчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

6.1. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуни талаблари доирасида мулкый жавобгардирлар.

6.2. «Таъминотчи» жавобгарлиги:

6.2.1. «Таъминотчи»нинг айби билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилса, «Таъминотчи» томонидан кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди, бироқ бунда умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги қерак.

6.3. «Харидор»нинг жавобгарлиги:

6.3.1. «Харидор»нинг айби билан етказиб берилган товарлар хақини уз вақтида туламаса, «Харидор» томонидан кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоиз микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тулайди.

6.4. Шартноманинг 2-бандига асосан “Таъминотчи” томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у холда “Таъминотчи” сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5. “Таъминотчи” нинг ҳисоб – варақасида махсулот солинган кутилар (тара) ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, кутилар 15 кун ичида қайтарилиши шарт. Акс холда кутилар қийматидан қуйидагича жарима солинади: 15 кундан кечиктирилса 50 %, 30 ва ундан ортиқ кун учун 100 %.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боғлиқ бўлмаган қуйидаги форс -мажор ҳолатларида қисман ёки тўлиқ озод этиладилар: ёнгин, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишга тақиқлар.

7. Низоларни ҳал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан қелиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро қелишилган холда ҳал этилади. Низолар пайдо бўлганда томонлар ёзма равишда оғохлангириш хати берадилар. Оғохлангириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун.

7.1. Ҳал этилмаган низолар Иқтисодий судида қўриб чиқилади.

8. Форс-мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Президентнинг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбуридир.

9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик бўлимида руйхатга олингандан 31-декабр 2022 йилгача амал қилади.

10. Умумий ҳолатлар:

10.1. “Харидор” “Таъминотчи”га ҳар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг буюртма руйхатини тақдим этади, бунда товарнинг номи, микдори курсатилиши шарт, “Харидор” га “Таъминотчи” томонидан прайс листлар тақдим этилади, прайс листга асосан «Харидор» нархларга алоҳида эътибор берган холда, танлов варақасига асосланиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори –дармонларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг тегишли газначилик бўлиmidан руйхатга олингандан кейин асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Томонларнинг манзилгоҳи ва банкдаги ҳисоб рақамлари:

“ТАЪМИНОТЧИ”

«Андижон Дори-Дармон» АЖ

711000, Андижон ш,

Оғохий куча №1-уй

х/р 20210000800177073001

Миллий Банк Андижон вилоят Бўлими

МФО 00074

ИНН 200218892

ИФУТ 46460

Тел/факс: 83742 907533

“ХАРИДОР”

АДТИ Клиникаси

Андижон шаҳри Бобур шох №8 уй

Х/Р401410860034017073101054001

Тел 237-10-35

СТИР 200236942 ХХТУТ 91511

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги

Газначилиг

МБ ББ ХККМ, Тошкент ш

Х/р 23402000300100001010

СТИР 201122919 МФО 00014

А.Н.Ахмаджонов.

(имзо, муҳр ўрни)

Раҳмонов Б.Ж

(имзо, муҳр ўрни)

Хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда тузилган.

Шартнома талабларидан қелиб чиқадиган шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

Кодексининг 324-339 моддалари талабларига мос келади.

«Андижон Дори-Дармон» АЖ

Ҳуқуқшунос

Юсупов С

Юри.с.:

"Андижон ДОРИ-ДАРМОН" АЖ ва Andijon davlat tibbiyot instituti "YU.OTABEKOV" nomli klinikasi (ПУЛЛИК)
уртасида тузилган № 10 / 2 сонли 17.01.2022- йилдаги шартномага

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар номи	Ул. Бир.	Сони	Нархи	ККС	Суммаси
1	NNP Метоклопрамид 0,5% амл. 2 мл №5 (Metoklopramide)	уп	200	4 025,00		805 000,00
2	NPP Фуросемид 1% 2мл №5	уп	100	3 450,00		345 000,00
3	Мезим форте таб п/о № 20	уп	10	13 735,12		137 351,20
Итог						1 287 351,20

Сотувчи  А.Н.Ахмаджонов

Харидор  Б.Ж.Рахмонов

